ХАБАР

خبر

Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги нашри

1992 йил мартдан чиқа бошлаган ● 1996 йил, 23 август № 33 (210) ● Сотувда нархи эркин

ТАНЛОВ ОЛДИ ЙИҒИЛИШИ ЎТКАЗИЛДИ

Алоқа вазирлигида Ўзбекистон Республикаси электралоқа тармоқларини кенгайтириш лойиҳасини амалга ошириш юзасидан тендер (танлов) олди йиғилиши бўлиб ўтди. Мажлисни Республика Алоқа вазирининг биринчи ўринбосари В. А. Кравченко очди ва халқаро тендернинг ўтказилиши тўғрисида маъруза қилди. Бу борада «NTTI» консультатив фирмаси раҳбари, жаноб Т. Кошикава халқаро тендернинг тартиб-қоидалари тўғрисида йиғилиш қатнашчиларига атрофлича маълумот берди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Япониянинг Ташқи иқтисодий ҳамкорлик жамғармаси (OECF) ўртасида 1995 йилнинг ёзида тузилган Кредит битими низомларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси электралоқа тармоқларини кенгайтириш лойиҳасини амалга ошириш юзасидан шу йилнинг 5 августида халқаро тендер эълон қилинган эди. Бу танловда дунёнинг 7 мамлакатидан 14 та йирик хорижий фирмалар иштирок этиш истагини билдирдилар.

Мазкур фирмалар ўзларининг энг самарали ҳисобланган абонент, станцияларо линиялари ҳамда шиша-толали, рақамли, радиорелели алоқа линияларини мамлакатимизнинг электралоқа корхоналарига келтириб ўрнатишни танловда қатнашишнинг асосий шартларидан бири деб ҳисоблашмоқда. Улар тендер бўйича ўз техникавий ҳамда иқтисодий таклифларини шу йилнинг 23-сентябрига қадар топширишни кўзда тутишган.

Йиғилиш якунида танлов иштирокчилари ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб олдилар. Уларга танлов тартиб-қоидалари тўғрисида ҳужжатлар топширилди.

Солиҳ ЗОИР



Тошкент халқаро электралоқа марказининг муҳандиси Светлана МИРОШНИЧЕНКО ва оператор Лида КИМлар халқаро электр каналларининг ишлашини назорат қилмоқдалар.

Суратқаш Т. ЛУТФУЛЛАЕВ

ПОЧТАЧИЛАР БЕЛЛАШИШДИ

Республикамиз мустақиллигининг 5 йиллиги ва соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан Жиззах вилоятининг Зарбдор туманида почта алоқаси ходимлари ўртасида «Йилнинг энг яхши почта ходими» кўрик-танлови бўлиб ўтди. Ушбу мусобақаларда туман алоқа бўлимларининг вакиллари олти шарт бўйича беллашишди. Қизиқарли баҳсларга бой бўлган кўрик-танловда биринчи ўринни Бўстон алоқа бўлимининг вакили Наргиза Иброҳимова, иккинчи ўринни «Ғаллакор» алоқа бўлимининг бошлиғи Шермамат Рашидов, учинчи ўринни Жувон-сийроқ алоқа бўлими бошлиғи Озода Ёқубовалар эгаллашди. Ғолибларга қимматбаҳо совғалар топширилди.

Ушбу тадбирни ўтказишда туман почта корхонаси бошлиғи Шокир Абдуллаевнинг ҳиссаси катта бўлди. Кўрик-танлов сўнгида мустақил Ватанимизни мадҳ этувчи куй ва қўшиқлар янгради.

Сафарбой МАМАТҚУЛОВ,
Жиззах вилояти

ОЛАМДА НИМА ГАП?

❖ Янгиликлар ❖ Хабарлар ❖ Воқеалар

● 20 август куни Вазирлар Маҳкамасида 2000 йилгача бўлган даврда қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш дастурини амалга ошириш республика комиссиясининг мажлиси бўлди.

● Тожикистонда вазият яна кескинлашиб кетди. Тавилдарё туманида ҳукумат қўшинлари ва мухолифатчилар қуролли бўлинмалари ўртасида қонли тўқнашувлар давом этмоқда.

● Тошкентда Ўзбекистон Фанлар академиясининг республика мустақиллигининг беш йиллигига бағишланган илмий сессиясини тантанали очиш маросими бўлди.

● Матбуотда «Ҳарбий ва махсус унвонлар бериш тўғрисида» Ўзбекистон Президентининг Фармони эълон қилинди.

● Тошкентда Жаҳон банкининг иқтисодиёт тараққиёт институти ташкил этган «Ижтимоий сиёсат, дастур ва лойиҳалар» махсус семинарининг учинчи қисми давом этмоқда.

● Россия Президенти чиқарган фармонга кўра эндиликда «қайноқ нуқта»ларда хизматини ўтаётган аскар ва зобитларнинг бир кунлик хизмати икки кун деб ҳисобланадиган бўлди.

● Уфалик машҳур кимёгар олим, Бошқирдистон давлат университетининг профессори Карл Минскер Кембриж халқаро марказининг энг нуфузли «ХХ асрдаги ютуқлари учун» кумуш медали ва дипломига сазовор бўлди.

● Афғонистоннинг Қандаҳор шаҳрида ҳибсда ушлаб турилган Россиянинг етти нафар учувчиси бу ердан ақл бовар қилмайдиган қочишни амалга оширдилар.

● АҚШ Президенти Билл Клинтон 50 ёшга тўлди. Шу муносабат билан мамлакатда катта тантана бўлиб ўтди.

● **Мўғулистоннинг буюк давлат хуроли — парламенти навбатдан ташқари ёзги сессиясини бошлади.**

● Бангладеш хавфсизлик хизмати ходимлари мамлакат Бош вазири Хасина Вазад ва унинг маъмуриятидаги бир неча юқори лавозимли кишиларга суиқасд қилиб, давлат тўнтариши уюштиришга уринган фитначиларни фош этди.

● Замбиянинг 72 ёшли, тўрт йилдан бери бева бўлган Президенти Мутабе ўзининг 31 ёшли котибасига уйланди.

ХОРВАТИЯЛИК ҲАМКОРЛАР ТАШРИФИ

Хорватия мамлакатининг Загреб шаҳрида жаҳонга машҳур Эриксон-Никола-Тесла фирмаси бор. Ана шу фирма вакилларидан Иван Тадиянович ҳамда Иван Бошняклар ўзаро аҳдлашув шартларига мувофиқ Сурхондарёга келишди. Уларнинг ёрдамида дастлабки кунданоқ замонавий телефон жиҳозларини ўрнатишга киришилди.

Жорий йил охирига қадар Термиз шаҳри ва Сариосиё туманида истиқомат қилувчи мижозларнинг бир қисми кенг имкониятли радиотелефонлардан фойдалана бошлашади. Хорватиялик ҳамкорларнинг хизмати туфайли ана шундай қулайликка эришилади.

ТЕЛЕФОН ЎРНАТИЛМОҚДА

Жарқўрғон туманидаги «Оққўрғон» жамоа хўжалиги раҳбарияти қишлоқда ижтимоий инфраструктурани кучайтиришга алоҳида эътибор бермоқда. Натижада меҳнаткашлар катта қулайликларга эга бўлишяпти. Яқинда 50 хонадонга телефон ўрнатилди. Уруш ва меҳнат фахрийларининг уйлари биринчи навбатда телефонлаштирилди.

«ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» ҲОМИЙЛИГИДА

Узун туманидаги гимназияга яна 50 нафар иқтидорли бола танлов йўли билан қабул қилинди. Улар янги ўқув йилида 1-синфдан бошлаб инглиз тилини ўрганишга киришадилар.

Қувончлиси шундаки, Узун гимназиясини «Ўзбектелеком» концерни ўз ҳомийлигига олган. Турсунали Хидиров раҳбарлик қилаётган мазкур даргоҳда «Соғлом авлод учун» дастури талабларига мос шарт-шароитлар яратилган.

Яқинда гимназия учун Болгарияда ишлаб чиқарилган компьютерни сотиб олишга зарур бўлган маблағ ажратилди.

Н. ЗИЁЕВ,
«Хабар»нинг жамоатчи мухбири,
Сурхондарё вилояти

ПОЧТАЧИЛАР ТУҲФАСИ

Юртимиз мустақиллигининг 5 йиллигини нишонлайдиган кунларга ҳам оз вақт қолди. Тарих саҳифаларига муҳрланаётган мана шу беш йил миллий-маънавий тикланиш, ўзликни англаш, ўз қадри, ғурури ва эътиқоди учун интилиш даври бўлди. Ўтган тўрт ярим йил ичида Гулистон туманидаги Деҳқонобод почта алоқа корхонаси ишчи ва хизматчилари ўз ишларини холис рақобат асосида ташкил этиб, сифатли почта хизмати орқали аҳолининг оғирини енгил қилмоқдалар.

Яқинда мазкур корхонада бўлиб, у ерда амалга оширилаётган ишлар билан танишдик. Корхона бошлиғи Шарофиддин УБАЙДУЛЛАЕВ бизга қуйидагиларни ҳикоя қилиб берди:

Бизнинг хат ташувчи ходимларимиз туманимиздаги хонадонларга ҳар куни бир маротаба ташриф буюриб, почта хизмати ва бошқа хизматлар кўрсатишади. Газета ва журналларни ўз вақтида етказиб беришдан ташқари, уларга қўшимча хизматлар кўрсатишимиз кексалар учун маъқул бўляпти. Нафақа пулларини тарқатиш вақтида фойдаланилган газ ва электр қуввати, телефон, маиший хизматлар учун пулларни ҳам йиғиб оламиз, хатжилд, ойнахатларни уйма-уй юриб, аҳолига таклиф қиламиз. Халқ банки билан тузилган шартномага кўра лотареялар сотамиз, фойдаланилган сув учун ҳам тўловлар, буюртмали хат, пул жўнатмаларини хонадонларга етказиб берамиз.

Корхонамизда ишчиларимиз учун 3 ойлик махсус ўқув ва малака ошириш курсларини очдик. Мақсад ишчи ва хизматчиларимизнинг янгича фикрлаш қобилиятини ўстириш, қабул қилинган ва қабул қилинаётган давлатимиз қонунларини уларга тушунтириш, почта қоидаларига киритилган янги ўзгаришлар, солиқ тизимларидаги янгиликларни ўргатишдир. Биз бу ишга 1992 йил март ойидан киришган эдик, адашмаган эканмиз. Ҳақиқатан ҳам шу давргача пул ва почта жўнатмаларини ўгирлашга ва ўзлаштиришга йўл қўйилмади, аҳолидан тушадиган шикоятлар кескин камайди. Ҳозир хат ташувчилик вазифасига ҳам танлов асосида қабул қиламиз. 1996 йилнинг биринчи ярим йиллигини корхонамиз 20,5 фоиз рентабеллик, яъни 130 минг сўм соф фойда билан якунлади. Бу меҳнат ютуқларимизда корхонамизда 40 йилдан зиёд ишлаётган катта оператор Н. Гавриленко, оператор К. Отабоева, иқтисодчи Н. Бобоева, почта йўриқчиси А. Абдуллаев, хат ташувчилар Г. Артемова, Т. Абдуқодиров, А. Шевцова, Р. Қобилов, М. Ўрозбоев, А. Ирисқуловларнинг хизматлари катталидир.

Корхонамизда аҳолига сифатли почта хизмати кўрсатилишини назорат қилиб борувчи сифат комиссияси фаолият кўрсатмоқда. Ушбу комиссия иш бошлагандан буён хизмат кўрсатиш сифати яхшиланиб, ишлаб чиқариш ҳажми кўпайди. Хуллас, Деҳқонобод почта корхонасининг ходимлари истиқлолимизнинг 5 йиллигини ёруғ юз билан кутиб оладилар.

Олимжон МАМАЖОНОВ ва Абдуғофур ҲОТАМОВлар суҳбатлашди,
Сирдарё вилояти

АЛОҚАЧИ ПОЛВОН СОВРИНДОР

Яқинда Бухоро вилоятининг Жондор туманида Марказий Осиё ва Қозоғистон Республикаси бўйича миллий кураш мусобақалари бўлиб ўтди. Мазкур спорт беллашувлари машҳур курашчи Жўра Туробов хотирасига атаб ўтказилди. Мусобақада вилоят туманлари ва қўшни республикалардан келган машҳур полвонлар қатнашди. Ҳал қилувчи дақиқалар яқинлашган сари кўпчилик полвон ва ишқибозлар қалбига ҳаяжон туша бошлади. Почта ходимлари вакили, жондорлик полвон Асрор Олтиев вазни 90 килограммликлар ўртасида 3-ўринни эгаллаб, совриндор бўлди. Мусобақанинг мутлақ ғолиби деб қашқадарёлик полвон Баҳром Авезов топилди.

Шароф БОҚИЕВ,
Бухоро вилояти

ЗАМОНАВИЙ УСКУНАЛАР ЎРНАТИЛИШ АРАФАСИДА

Тошкент вилоятининг телекоммуникация тармоқларини такомиллаштириш ва ривожлантириш Миллий дастурига асосан, шартнома бўйича Жанубий Кореянинг «ДЭУ-телеком» фирмаси 1996 йилда мазкур вилоятнинг 4 та шаҳри ва 3 та туман марказига умумий сони 45000 рақамга мўлжалланган замонавий АТС қурилмалари ўрнатишни режалаштирган.

Жорий йилнинг июль ойида тайёрлов ишлари ва қурилмаларнинг йиғув ишлари тугагани ҳақида «ДЭУ-телеком» фирмасидан хабар олинди. Шу боис ҳам алоқа қурилмаларини синаш ва тест ишларида Тошкент вилояти давлат электралоқа ишлаб чиқариш корхонасининг бош муҳандиси А. Эшонхўжаев иштирок этди. Синов ишлари тугатилгач, зарур қурилмалар Жанубий Кореянинг Сеул шаҳридан вилоятга кетма-кет жўнатила бошланди. Айни пайтда Тошкент вилоятининг рақамли АТС қурилмалари ўрнатиладиган шаҳар ва туман марказларида алоқа қурилмалари учун керакли хоналарни тайёрлаш бўйича ишлар қизғин олиб борилмоқда.

Зарур алоқа жиҳозлари тўлиқ етиб келгач, уларни ўрнатиш, созлаш ва синаш ишлари Тошкент вилояти давлат электралоқа корхонасининг мутахассислари томонидан «ДЭУ-телеком» вакилларининг иштироки ва назорати остида олиб борилади. Шу мақсадда маҳаллий муҳандис-техник ходимлардан ташкил топган гуруҳ «ДЭУ-телеком» фирмасининг мутахассислари томонидан ўқитилди ва тайёрланди.

С. НИНУА,
«Хабар» газетасининг жамоатчи мухбири

Навоий вилоятининг Конимех тумани почта ва электралоқа боғламалари жамоалари ўз имкониятларидан тўла фойдаланмоқдалар. Айни пайтда туман почта алоқа боғламаси 37 минг аҳолига беминнат хизмат кўрсатяпти. Туманга қарашли жамоа хўжаликлари марказларида ва йирик қишлоқларда 9 та алоқа бўлимлари мавжуд. Янги иқтисодий ислоҳот осон кечаётгани йўқ. Айниқса туман марказидан 300-350 километр узоқликда жойлашган ҳудудларда почта хизмати кўрсатиш, хат-хабарларни вақтида етказиш ишчанликни, тадбиркорликни талаб қилади. Бу борадаги изланишлар яхши самара беряпти. Аҳолини турли газета-журналларга обуна қилишда ҳам қувончли натижаларга эришилмоқда. Бу ишларни ташкил этишда 10 йилдан буён туман почта алоқа боғламасига етакчилик қилаётган Норпўлат Қиёмовнинг тадбиркорлиги қўл келаётир.

— Маҳаллий нашрларнинг айримлари, Қозоғистон, Россиядан келадиган газета-журнал турлари анча камайиб кетган, — дейди биз билан суҳбатда почта ходими Адолат Низомова. — Ҳозир ҳафтасига уч марта почта қабул қиламиз ва ўша куннинг ўзидаёқ газета-журнал, хат-хабарларни хизматдаги автобусларда бўлимларга юборамиз. Аҳолига кундалик почтани ўз вақтида етказиб бериш доимий назоратимизда. Аммо нафақа пулларини тарқатишда бизга боғлиқ бўлмаган сабаблар туфайли «узилишлар» ҳам бўлиб турибди. Шу боис ҳам нафақа ва ёрдам пулларини биринчи навбатда ногиронларга, уруш ва меҳнат фахрийларига, кўп болали ҳамда боқувчисини йўқотган оилаларга тарқатяпмиз. Почта жўнатмалари бўйича режалар ҳам ўз вақтида уддаланмоқда.

Туман алоқа ходимларига яратилган иш шароитлари билан танишиб чиққанимизда Конимехда катта имкониятлар мавжуд эканлигининг гувоҳи бўлдик. Шу имкониятлардан тўлиқ фойдаланилса, хизмат кўрсатиш сифати бундан ҳам юқори бўлар эди деган фикрга келдим. Туман алоқа ходимлари жорий йилнинг биринчи ярмини юқори кўрсаткичлар билан якунлашди. Мана шу маълумотнинг ўзи ҳам Конимехда аҳолининг таклиф ва талабларига мувофиқ иш юритилаётганидан далолат беради.

Қ. САТТОРОВ,
жамоатчи мухбиримиз

ТАКЛИФ ВА ТАЛАБГА МУВОФИҚ

ЯНГИ ПОЧТА МАРКАСИ



«Ўзбекистон маркаси» нашриёт маркази буюк саркарда Амир Темурнинг 660 йиллик юбилейига бағишлаб «Амир Темур» почта маркасини нашрдан чиқарди.

Амир Темур фақат Ўзбекистон тарихидагина эмас, балки бутун дунё тарихига дахлдор буюк сиймо. Улуғ саркарданинг қўл остидаги буюк империя чегаралари Поволжье ўлкаларидан тортиб ғарбга — Кавказгача, шарқда эса Ҳиндистонгача чўзилган эди. Амир Темур ўзининг ҳукмронлик даврида (1370-1404) мамлакат иқтисоди ва сиёсати, фани ҳамда санъатининг ривожланишига катта ҳисса қўшди.

Ушбу почта блокида Амир Темурнинг сиймоси тасвирланган бўлиб, унда саркарданинг таваллуди ва вафоти (1336-1404) саналари акс этган. Марка ва блок ранг-барангдир. Нархи — 20 сўм. Адади 30 минг нусха. Почта блокини мусаввир Ю. Габзалилов чизган. Шунингдек, нашриёт маркази Ўзбекистон Мустақиллиги байрамининг беш йиллигига бағишлаб «Мустақиллик байрамингиз муборак бўлсин» туркумидаги почта ойнахатларини ҳам чоп этди. Ойнахат ва «Амир Темур» почта блокини сотиб олиш учун қуйидаги манзилгоҳга мурожаат қилинг:

Амир Темур кўчаси
1-тор кўча 2-уй.
Телефонларимиз:
33-28-20 ёки 36-36-48.

• *Алоқа матбуот кўзгусида*

ҚОЙИЛ ҚОЛСА БЎЛАДИ...

Бельгиялик жарроҳ Люк Вандерхайден бошқа мамлакатдаги беморни жарроҳлик йўли билан даволади. Хўш, бунга қай тариқа эришилди?

Гап шундаки, жарроҳ ўзи хизмат қилаётган Бельгиядаги Святого Луки госпиталидан туриб, компьютер орқали бошқариладиган робот кўмагида Нидерландиядаги 55 ёшли беморга аниқ ташхис қўйиб, операция қилди. Жарроҳнинг хонасидаги 2 та компьютер Нидерландиядаги бемор ётган касалхонадаги компьютерларга оддий телефон линиялари билан уланди. Жарроҳ ўз хонасидаги компьютернинг монитори орқали робот ҳаракатларини назорат қилиб, бошқариб турди.

Бунга ўхшаган «сиртқи» операциялар Европада олдин ҳам ўтказилганди, аммо биринчи маротаба шифокор ва бемор давлат чегараларининг турли томонларида жойлашган эдилар. Бу ажойиб қурилмани яратган Юлэн Уэнг журналистларга мазкур жиҳозлар орқали Ерда туриб Ойдаги фазогирларни ҳам даволаш мумкин деб айтди.

БОШИНГИЗНИ АСРАНГ!

Мобиль телефондан фойдаланаётганлар ва ҳаваскорлар кўпроқ бош мия хасталиклари билан касалланишга мойил бўлар эканлар. Мана шундай хулоса билан дунёнинг олти нафар етакчи мутахассислари БИ-БИ-СИ радиосининг эшиттиришларида иштирок этишди. Бу мутахассислар кўпдан буён микротўлқинли радиациянинг инсон танасига таъсирини астойдил ўрганишиб, ана шундай фикрга келишди.

Олимларнинг каламушлар устидан ўтказган кўплаб тажрибалари тез-тез мобиль телефонидан фойдаланиш бош миянинг саратон (рак), нафас қисиши каби оғир касалликларга олиб келишини кўрсатди. Бундай хавф туғилишининг сабаби шундаки, мобиль телефонининг қабул қилувчи ва узатувчи қурилмаси қаттиқ қиздириш хусусиятига эга. Мазкур қизиш натижасида 3 дақиқа ичида ҳатто картошка ҳам пиширириш мумкин. Бу қизишдан ҳосил бўлган нурлар аввалига бош мияга таъсир қилиб, бош оғриғи, сўнгра жуда хавфли касалликлар келтириб чиқаради.

Ризоуддин ибн ФАХРУДДИН

«ЖАВОМЕЪ-УЛ-КАЛИМ» ШАРҲИДАН

Бисмиллоҳи-ар-раҳмон-ар-раҳим. Шарқ халқлари, хусусан, мусулмон халқлари минг йиллар давомида Қуръони Карим ва Ҳадиси Шариф асосидаги шариат қоидаларига амал қилиб, бу қоидалар иқтисодий ва маънавий турмушда фаровонликка олиб келишини билар эдилар. Афсуски, қатағон йилларида иқтисодий ва маънавий ҳаётнинг кўпчилик соҳаларида шариат қоидалари оёқости қилинди, натижада оилавий ҳаёт, фарзандлар тарбиясига путур етди. Тўй-маросимлар ва азамаъракаларда ноҳақлик ва исрофгарчиликларга йўл қўйилди, булар жамият ҳаётига салбий таъсир кўрсатди.

Жамиятимиз турли гуноҳлардан оқланиб, ўзини қайта англаётган ҳозирги пайтда ана шу унутилаёзган зилол чашмалардан баҳра олиш зарурати туғилмоқда. Қуръон ва Ҳадисдаги энг яхши ҳикматлар тўпланган «Жавомеъ-ул-Калим» асарига ислом олими Ризоуддин ибн Фахруддин ёзган шарҳлар мусулмон оламида машҳурдир.

Ҳадиси-шариф:

«Энг аввал ўз сарфларинг ва харажатларингни тамом қил, ортганини оила аҳли ва фарзандларинг ҳожатларига сарф эт. Ундан ортса қариндошуруғларинг ва яқинларингга сарфла. Бойлигинг бўлганда молингни ушбу равишда садақа ва сарф эт».

Мол ва бойликни сақлаш ва сарфлаш тўғрисидаги Расулуллоҳ тарафидан ўргатилган ушбу қоида энг мувофиқ усулдир.

Ўзи камбағал, болалари оч бўлган ҳолда, қўлига тушган бойликни бошқаларга сарф этмак ёки болаларнинг пешона тери билан топилган ризқларини фақат бир офарин эшитмоқ ва ёки сахий номини олмоқ учун четга сарфламоқ аҳмоқликдир.

Энг аввал ўз нафақангга сарф эт деган сўзни, энг аввал ўз нафсингни, виждонингни бурчдан, масъулиятдан халос эт деб тушунмоқ керак.

Ўзининг ҳожатларига ва хотин-болаларига сарф қилмоқликни ҳам Расулуллоҳ «Садақа» деб атаганлар.

Бу гапда уммат учун жуда улуғ бир марҳамат ва суюнч бор.

Мана шу ҳадисда кўрсатилган қоида билан ўз молларини сарф қилувчи кишилар садақа берувчилар жумласига киради-лар ва шу садақа берганлик савобига муяссар бўлажак.

Расулуллоҳ ҳазратларининг бутун ижтиҳоди «Тавҳид»ни холис ва тажрид этув (поклаш, тозалаш)дан иборат бўлди, ҳатто «Ширк»нинг ўзинигина эмас, балки унинг зариа (восита)ларини ҳам йўқотиш учун ҳаракат қилди. Шунинг учун маъжусийларнинг қуёшга ибодат қиладиган вақтларида аҳли исломнинг намоз ўқиши маън қилинди, бу эса «Ширк» зарбасини кесиб, томирлари билан йўқотиш учун эди. Ушбуга кўра мусулмонлар Аллоҳи таолодан бошқалар: фаришталарми ва ё инсонларми, жин ва шайтонларми ва ё анбиё ва авлиёларми, ким бўлмасин, улар яширин ва ошкора ишларни билсалар, дилларига маълум бўлиб турсалар, хасталикларни аритсалар, иқбол (омад) ва ибдол (қўлдан кетиш), ҳидоят ва умуман бандаларнинг кучлари етмайдиган моддалар ҳақида каромат тариқи билан мадад берсалар, нидо ва дуо қилувчиларнинг ёрдамларига етишсалар Аллоҳи таолога эмас, мазкурларга эътиқод этсалар, ушбу ўринда улар «Тавҳид»ни қабул қилиб-қилмай, «Ла илаҳа илла-л-лоҳу», шиорига шаҳодат бермаган бўладилар.

Бандаларнинг қудратлари етмайдиган нарсаларни ёлғиз Аллоҳи таолодангина сўраш, қийинчилик ва зориқиб келинган нарсадан қутилиш учун, ёлғиз Аллоҳнинг ўзигагина илтижо қилиниши лозимдир. Ҳақиқий «Тавҳид» ва «Ла илаҳа илла-л-лоҳу» билан бирга содиқ ва холис шаҳодат берув шундан иборат. Бўлмаса қуруқ тил билан ўқибла, амал вақтида бошқача ҳаракат қилиш маъносиз ва риёкорликдир.

Расулуллоҳ ушбу ҳадисни қавми тарафидан элчи бўлиб келувчи Абу Муса ал-Ашарий билан унинг ҳамроҳларига сўзлаган эдилар.

«Ортингиздагиларни ҳам хушнуд этинг» дейилишидан мақсад, «Қавмингизга қайтиб бориб, ушбу хабарни етказинг», — деган сўздир.

Ҳадис Абу Мусо ал-Ашарийга айтилган ва унинг қавми ҳақида сўзланган бўлсада, бутун уммат учун умумий эканлигига шубҳа йўқ.

Нашрга тайёрловчи Маҳкам МАҲМУД

КУНЛАРДАН БИР КУНИ

Кунлардан бир куни Чарльз Дарвин тантанавор зиёфатга таклиф этилибди. Унинг ёнида ўтирган бағоят гўзал бир хоним машҳур олимдан таманно ила сўрабди:

— Мистер Дарвин, сиз одамзод маймундан тарқаган деб ҳисоблайсиз. Бу фикрингиз менга ҳам тегишлими?

— Худди шундай! Аммо сиз энг чиройли маймундан тарқагансиз!

***

Ньютонга илмий кашфиётлари учун лорд унвони берилибди. Палата мажлисларида йигирма олти йил ўтириб зериккан олим фақат бир марта сўз олиб, шундай деди:

— Жаноблар! Агар эътироз билдирмасангиз, деразани ёпиб қўйишни таклиф қилмоқчиман. Елвизак эсяпти, шамоллаб қолишдан қўрқаман.

***

Бернард Шоу овқат маҳали ижро этиладиган мусиқани ёқтирмасди. Бир куни зиёфат авжида у дирижёрга мурожаат қилди:

— Марҳамат қилиб, мен илтимос қилган нарсани ўйнасангиз!

— Бош устига, жаноб! — деди илтифотдан яйраб кетган дирижёр.

— Ундай бўлса, мен тушлик қилиб бўлгунимча бир қўл шахмат ўйнаб туринг!

***

Қадимги юнонларнинг зиёфатида нўноқ созанда арфа чаларди. Меҳмонлар жигибийрони чиқиб сўкинишар, фақат Диоген тўхтовсиз уни мақтарди:

— Баракалло! Қандай зўр, қандай ажойиб!

— Нега уни мақтаяпсан? — деб сўрашди файласуфдан.

— Шу қадар истеъдодсиз бўлишига қарамай, ўгирлик қилиш ўрнига яна мусиқа билан шуғулланяпти-ку! Бунга қойил қолиш керак!

***

Суқротдан одамзод баданидаги қайси аъзо энг носозгир деб сўрашди.

— Бурун! — деб жавоб қилди файласуф. — Менинг энам бир умр бобомнинг бурнидан ип ўтказиб, судраб юрди, у эса буни сезмади.

***

Наполеонга унинг шахсиятига тегиб кетадиган шеърларни кўрсатишибди:

— Муаллифни жазолаш керак!

— Агар жазолаш керак бўлса, муаллифни эмас, сизларни жазолаш керак. Бу заҳархандалар менга тегишли эканлигини ўйлаб топиб, сизлар каминани янада кўпроқ таҳқирладингиз!

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Таҳририятимиз аъзоси, шоир Мирпўлат МИРЗОни таваллуд топган куни билан чин дилдан табриклаб, узоқ умр, сиҳат-саломатлик, ижодий ишларида муваффақият тилаймиз.


«ХАБАР» газетаси жамоаси

* * *

ҲУРМАТЛИ ЗУҲРИДДИН ота КАМОЛИДДИНОВ!

Муборак 80 ёшингиз билан чин дилдан қутлаб, Сизга доимо тани-сиҳатлик, боқий умр тилаймиз.

Фарзандларингиз



• Табобат бурчаги

ЗИРК ҲАҚИДА

Зиркнинг 12 тури маълум, шундан табобатда асосан оддий зирк ёки қора зирк қўлланилади.

Қора зирк қадимдан халқ табобатида қўлланиб келинади. Чунончи, Ибн Сино: «Қора зирк меваси кучлироқ бўлади. Учинчи даража охирида совуқ-қуруқ. Сафрони енгиб, қаттиқ ҳайдайди. Уни туйиб боғланса, иссиқ шишларда фойда қилади. Меъда ва жигарни кучли қилади, чанқовни яхши қондиради... Ичакнинг тирналишида фойда беради», — деб ёзади.

Қора зирк меваси таркибида 5 фоиз қанд, 7 фоиз кислота (олма, лимон), дармондори ва бошқа моддалар бор. Баргида Е дармондори, эфир мойи, илдизида берберин алколоиди учрайди. Берберин таблетка усулида ишлаб чиқарилиб, жигар ва ўт пуфаги шамоллаганида малҳам бўлади. Шунингдек, сурунқали гепатит, гепатохолецистит,ўттош касаллигида тавсия этилади. Баргидан тайёрланган қайнатма ва дамлама қонни тўхтатади. Аниқланишича, қора зиркдан тайёрланган спиртли тиндирма юрак фаолиятини яхшилаб, қон босимини тушираркан. Илдизи ва пўслоғида ҳароратни туширувчи, тинчлантирувчи ва микробларга қарши кураш хосиятлари бор. Милк шамолланиши, тери хасталиклари касалликларида ҳам (экзема) қўлланилади.

Меваси иштаҳани очиб, чанқовни босади, пешоб ҳайдайди. Ширасидан сурги сифатида фойдаланса бўлади. Зирк шароби бош оғриганда, қабзиятда, иштаҳа йўқолганда эм бўлади. Қора зирк мевасида қонни тозаловчи хосият ҳам бор. Мевасидан яна пазандаликда, тўй ошларида ишлатилади.

Муҳаммад Ҳусайн Шерозийнинг ёзишича, қора зирк жигарни мустаҳкамлаб, бавосил ва заҳарланишга қарши восита сифатида ишлатилади.

Қора зирк билан асал аралашмаси сувечакда, жигар тиқилмаларини очишда қўлланилади.

МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги

Бош муҳаррир : Шодмон ОТАБЕК

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Абдувоҳид ЖЎРАБОЕВ Шуҳрат ЖАББОР

Анатолий КУДИНОВ Иззат АҲМЕДОВ (Масъул котиб) Мирпўлат МИРЗО Рустам ҚОСИМОВ Ёқубжон ХЎЖАМБЕРДИ Бобохон ШАРИФ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ: Бўривой АҲМЕДОВ

ОТАУЛИ Саидмаҳмуд АКБАРОВ Шоҳруҳ АКБАРОВ Меҳмонқул ИСЛОМҚУЛОВ Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ Тоғай МУРОД Саид СИДДИҚОВ Нурали ҚОБУЛ

МАНЗИЛИМИЗ: 700000 Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1.
ТЕЛЕФОНИМИЗ: 36-36-42, 36-35-29, 44-29-09. ИНДЕКС: 64600
ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Муҳаррирятга келган қўлёзмалар (2 оралиқда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.
Рўйхатга олиш №000011. Буюртма №Г-0472. 7863 нусхада чоп этилди
Офсет усулида босилди. Бичими А-3, ҳажми 1 босма табоқ.
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ БОСМАХОНАСИ.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй. 123456

ДУШАНБА 26

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.30 «Хафтанома».

*

8.30 Мусиқий хазина. «Дугоҳ».
9.00 «Нурли сиймолар». Кинодастур.
9.30 «Ҳаммаси маҳалладан бошланади». Публицистик кўрсатув.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Камолот сари». Теле-очерк.
10.35 Болалар учун. «Қувноқлар даврасида».
11.00 «Хусусийлаштиришнинг янги йўналишлари».
11.30 Дони Зокиров номидаги халқ чолғу оркестрининг концерти.
11.55 «Буғдойзордаги уйча». Мультфильм.
12.05 Шароф Бошбеков. «Тақдир эшиги». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли.
14.00—14.05 Янгиликлар.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 5 йиллигига. «Буюк Ипак йўли». Мусиқий саёҳат. «Ўзбектелефильм» премьераси.
18.35 «Эркатой».
18.50 «Мозийдан садо».
19.05 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Биржа ва банк хабарлари.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон — Ватаним маним!» Республика қўшиқ кўрик-танлови кундалиги.
21.20 Буюк келажак сари. «Озодлик». Видеофильм премьераси. 1-серия.
21.50 «Бу оқшом».
22.20 «Морена Клара». Телесериал.
23.05 «Рангин дунё». Бадиий-публицистик кўрсатув.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Ўзбекистон телевидениесида вилоят студияларининг кўрсатувлари. Экранда — Самарқанд вилояти.
00.25 Тунги тароналар.
00.35—00.45 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.40 «Палитра».
19.10 «Услуб» (мода янгиликлари).
19.20 «Клип-антракт».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот».
19.50 Эълонлар.
19.55 «Камертон».
20.10 «Мусиқа, холос».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Курьер».
21.20 «Прайм-тайм».
21.30 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.10 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
23.00—24.00 «Спорт қитъаси».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Ўзбекистонда куз». Телефильм.

*

Россия жамоат телевидениеси
18.10 — 20.35

*

20.35 «Занданечи сири», «Хонатлас». Телефильмлар.

*

Россия давлат телевидениеси
21.00 — 21.30

*

21.30 Эълонлар.
21.35 «Янги қурбон». Телесериал.
22.25 — 22.30 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
19.35 «Спорт-дайжест».
20.05 Эълонлар.
20.10 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
21.00 «Шукрона».
21.05 «Дипкурьер».
21.20 «Ватан — менинг тақдиримда». Молдова Мустақил деб эълон қилинганлигининг 5 йиллигига.
21.40 «Солиқ ҳақида сабоқлар».
21.55 «16 эл». Немис тилида шарҳ.
22.25 Эълонлар.
22.30 «Қўркам сакура».
23.00 «Океандан океангача». USA-круиз.
23.30 Эълонлар.
23.35 «Сирдошим».
00.05—00.15 «Хайрли тун!».

ЧОРШАНБА 28

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Кўзларим сўзлар». Муҳаббат Ғофурова қуйлайди.
8.55 «Алпомиш авлодлари». Спорт дастури.
9.25 «Истиқлол маликалари».
10.00 Янгиликлар.
10.05 Алифбо сабоқлари.
10.35 «Саньатга бахшида умр». Ўзбекистон халқ артисти Бекажон Раҳимова.
10.55 «Ёшлик» студияси. «Ватанпарвар».
11.25 «Фаррух ва Зумрад». Мультфильм.
11.40 «Камондаги қалб». Мусиқий дастур.
12.10 «Тафаккур ёлқинлари».
12.30 Болалар учун. «Бу дамлар ўхшар эртакка».
13.00 «Майсаранинг иши». Бадиий фильм. 2-серия.
14.00—14.05 Янгиликлар.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 5 йиллигига. «Убалик мўъжизакорлар», «Зарралар оламида». «Ўзбектелефильм» премьераси.
18.40 «Замон билан ҳамнафас».
18.55 «Бу ёруғ оламда Ватан биттадир...».
19.00 «Оҳанглар оғушида».
19.05 «Сайёрамиз садоси». Публицистик кўрсатув.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Фольклор-этнографик жамоаларининг «Зилол» телефестивали.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси VI сессияси олдидан.
21.20 Буюк келажак сари. «Озодлик». Видеофильм премьераси 3-серия.
21.50 «15 дақиқа спорт ҳақида».
22.05 «Автоолам».
22.20 «Морена Клара». Телесериал.
23.05 «Тилсим». Тележурнал.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Ўзбекистон телевидениесида вилоят студияларининг кўрсатувлари. Экранда — Жиззах вилояти.
00.25 Тунги тароналар.
00.40—00.50 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.35 «Табиат дунёси».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Дунё бўйлаб...»
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Дрибланг».
21.25 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
22.55—23.55 «Спорт қитъаси».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Тошкент . Эски шаҳар». Телефильм.

*

Россия жамоат телевидениеси
6.30 — 8.00 «Телетонг».

*

18.10 — 20.35

*

20.35 Эълонлар.
20.40 «Жонли сайёра».

*

Россия давлат телевидениеси
21.00 — 21.20

*

21.20 Эълонлар.
21.25 «Янги қурбон». Телесериал.
22.15 — 22.20 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Ўзбекистон муштарак».
18.50 «Мультқарусель».
19.05 «Жаҳон болалари».
19.35 «Шукрона».
19.40 «Бугунги Словакия». Словакия Республикаси миллий байрамига.
20.00 Эълонлар.
20.05 Кинематограф. «Инспектор Фрост». Телесериал.
20.55 «Тошкент оқшомида».
21.25 «Маънавият сарчашмалари».
21.55 Эълонлар.
22.00 «IV канал экслюзиви».
22.30 Эълонлар.
22.35 «Гулшан диёрим».
23.05 «Мафтункор табиат».
23.25 «Юлдузлар жилоси».
23.55 — 00.05 «Хайрли тун!».

ПАЙШАНБА 29

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 Олтин мерос. «Ўлмас хазина».
9.05 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 5 йиллигига. «Нурли манзил».
9.25 «Томошабин мактублари».
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Фан — тараққиёт пойдевори».
10.15 «Инсон ва замин». Тележурнал.
10.45 «Чинор остидаги дузэль». Бадиий фильм.
11.50 «Мен ва дунё». Публицистик кўрсатув.
12.20 «Домла» видеофильми ижодкорлари билан учрашув.
12.50 «Маърифат» видеоканали.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 5 йиллигига. «Нонинг бутун бўлсин, элим». «Ўзбектелефильм» премьераси.
18.30 «Аввал иқтисод...».
18.45 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
19.05 Дилнавоз садолар.
19.20 «Омонлик тилаймиз!».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Юзма-юз». Мулоқот.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг VI сессиясида.
21.45 Буюк келажак сари. «Озодлик». Видеофильм премьераси. 4-серия.
22.15 «Мутойиба». Пайшанба ҳазиллари.
22.30 «Ўзбекистон — Ватаним маним!».
22.35 «Одобнома».
22.45 Дилнавоз садолар.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.10 — 00.20 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.35 «Тропиканка сири». Телесериал.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Автосалон».
20.15 «Мусиқа, холос».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Мак ва Матли». Қизиқарли кўрсатув.
21.25 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.05 «Киноногоҳ».
23.45 — 00.10 «Спорт қитъаси».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Тошкент. Янги шаҳар». Телефильм.

*

Россия жамоат телевидениеси
6.30—8.00 «Телетонг».

*

18.10—20.35

*

20.35 «Шоҳсупа сари йўл».

*

Россия давлат телевидениеси
21.00 — 21.30

*

21.30 Эълонлар.
21.35 «Янги қурбон». Телесериал.
22.25—22.30 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Менинг маҳаллам».
19.30 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
20.00 Эълонлар.
20.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.55 «02» тўлқинида.
21.10 «Сеҳр».
21.30 Эълонлар.
21.35 «Эколот-коктейль».
22.05 «Компьютер-ревю».
22.30 «Шукрона».
22.35 «Туманлардан ҳоли Британия».
22.55 Эълонлар.
23.00 «Кобра». Телесериал.
23.50 — 24.00 «Хайрли тун!».

ЖУМА 30

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 Кекса саньаткорлар концерти.
8.55 «Юзма-юз». Мулоқот.
9.15 «Улар истиқлол дедилар». Адабий кўрсатув.
9.35 «Бир дунё болаларимиз».
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Ёёв борки, олам мунаввар...». Публицистик кўрсатув.
10.35 Футбол майдонларида.
11.05 Т. Низом. «Учар қолдуз». Видеофильм.
12.00 «Сирли сандиқ». Телевизион ўйин.
12.40 «Истиқлол фарзандлари».
13.05 Менга сўз беринг. «Замонамиз қаҳрамонлари».
14.00 — 14.05 Янгиликлар.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 Митти юлдузлар.
18.25 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 5 йиллигига. «Аскарлар куйлаганда». «Ўзбектелефильм» премьераси.
18.35 «Синфдош».
18.55 Мутолаа.
19.05 Бизнес-ҳафта якунлари.
19.15 Мустақиллик одимлари.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Эртага — шанба». Махсус сони.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг VI сессиясида.
21.45 Буюк келажак сари. «Озодлик». Видеофильм премьераси. 5-серия.
22.15 «Репортаж».
22.30 «Ўзбекистон — Ватаним маним!».
22.45 М. Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 7-кўй.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 «Ривоят».
00.05 Мафтункор чехралар.
00.30 Мустақиллик одимлари.
00.40 «Ҳуш келибсиз!».
01.10 «Байрам арафасида». Концерт.
01.40 — 01.50 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар. ТВ-2.
18.15 «Мультфейерверк».
18.35 «Камертон».
18.45 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 5 йиллигига. «Уфқлар оша». Видеофильм премьераси. 1-қисм. «Муқаддима».
19.05 «Бизнес-уик». Байрам сони.
19.25 Эълонлар. ТВ-2.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар. ТВ-2.
19.55 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 5 йиллигига. «Уфқлар оша». Видеофильм премьераси. 2-қисм. «Йўл оғир ади».
20.25 Эълонлар. ТВ-2.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар. ТВ-2.
21.00 «Камертон».
21.05 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 5 йиллигига. «Уфқлар оша». Видеофильм премьераси. 3-қисм. «Журъат».
21.30 Мусиқа ва Эълонлар.
22.10 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
23.00 «Спорт қитъаси».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Музей». Телефильм.

*

Россия жамоат телевидениеси
6.30—8.00 «Телетонг».

***

18.15—20.35

***

20.35 «Мусиқа барча ёшдагилар учун».

*

Россия давлат телевидениеси
21.00—21.30

*

21.30 Эълонлар.
21.35 «Янги қурбон». Телесериал.
22.25—22.30 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Халқ саломатлиги йўлида».
19.30 «Учқун».
20.00 Эълонлар.
20.05 «Билиб қўйган яхши».
20.30 «Ўтмишсиз келажак йўқ». Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 5 йиллигига.
21.00 «Шарҳим — фахрим». Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 5 йиллигига.
21.30 Эълонлар.
21.35 «Шукрона».
21.40 «Коинот».
22.10 «Бу бўстон аро...». Махсус сони.
22.40 Эълонлар.
22.45 «Америкага бир назар».
23.15 Араб эстрадаси.
23.45 — 23.55 «Хайрли тун!».

ШАНБА 31

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 «Ахборот».

*

8.25 «Қуёш юрти».
8.30 «Асрга татигулик кун». 1991 йил. 31 август.
8.40 «Ўзбекистон — Ватаним маним!». Республика қўшиқ кўрик-танлови голиблари-нинг концерти.
10.00 Янгиликлар.
10.10 «Қуёш юрти».
10.15 «Масофага даҳлсиз алоқалар». Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов БМТ сессиясида. Видеофильм.
11.00 «Ширу-шакар» ансамбли. Болалар учун концерт.
11.30 «Мангуликкa туташ онлар». 1992 йил. 31 август.
11.55 «Қуёш юрти».
12.00 Янгиликлар.
12.10 «Масҳарабоз». Бадиий фильм.
13.30 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 5 йиллигига. «Ўзбекистон. Бешинчи довон». «Ўзбектелефильм» премьераси.
14.00 Янгиликлар.
14.10 «Қуёш юрти».
14.15 «Мангуликкa туташ онлар». 1993 йил. 31 август.
14.40 «Сиз севган қўшиқ».
15.00 «Умид чечаклари».
15.25 «Мустақиллик солномаси».
15.40 Фольклор-этнографик жамоаларининг «Зилол» телевизион фестивали.
16.10 «Қуёш юрти».
16.15 «Ватанни севмоқ иймондандир».
16.45 «Мангуликкa туташ онлар». 1994 йил. 31 август.
17.10 «Совға». Болалар учун.
17.30 «Мангуликкa туташ онлар». 1995 йил. 31 август.
17.55 «Қуёш юрти».
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Мустақиллик солномаси».
18.25 «Қуёш юрти».
18.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.00 **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 5 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛАР.** МУСТАҚИЛЛИК МАЙДОНИДАН ОЛИБ КЎРСАТИЛАДИ.
21.00 «Ахборот».
21.30 «Кўнгил».
21.50 «Сурур».
22.05 «Теннис-клуб».
22.25 «Ҳайрат».
22.40 **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 5 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛАР.** МУСТАҚИЛЛИК МАЙДОНИДАН ОЛИБ КЎРСАТИЛАДИ (такрор.).
00.40 «Эл азиз».
00.45 **«Тунги ёғду». Дам олиш дастури.**
1. «Тўйлар муборак». Киноконцерт.
2. «Гуноҳ 2». Бадиий фильм. Премьера.

II

6.30 дан ЎзТВ I дастури такрорланади.

III

9.00 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
9.05 «Сеҳрли қалам». Болалар учун спектакль.
9.45 «Бувимни қайтариг». Бадиий фильм.
10.55 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 5 йиллигига. «Иқтисодий ислоҳот йўлидан».
11.10—11.35 Дилафрўз Жабборова рақсга тушади.

***

17.45 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.

*

Россия жамоат телевидениеси
17.55 — 20.35

*

20.35 Эълонлар.
20.40 «Ўзбекистон — умумий уйимиз».
21.10 «Мусиқа барча ёшдагилар учун».
21.40 «Буюк Амир Темур васияти». Телефильм.

*

Россия давлат телевидениеси
22.00—00.40

*

00.40—00.55 «Ер қалбига қулоқ тут». Телефильм.

IV

«ЧИНОР» ВИДЕОКАНАЛИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 5 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ДАСТУРИ:

10.00 «Дидар».
10.30 «Айчурек».
11.00 «Рангинкамон».
11.30 «Беэнен мирас».
12.00 «Среша». Болғар маданият маркази.
12.30 Болалар учун фильм. «Энг кичкина».

***

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00 — 21.00 **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 5 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛАР.** МУСТАҚИЛЛИК МАЙДОНИДАН ОЛИБ КЎРСАТИЛАДИ.
21.00 «Шанба оқшомида».
21.10 «Олам ва одам».
21.50 Эълонлар.
21.55 «Шукрона».
22.00 «Адабий театр».
22.10 «Спорт-дайжест».
22.40 «Шукрона».
22.45 «Эсдалик учун дастхат». Байрам сони.
23.10 — 23.20 «Хайрли тун!».

ЯКШАНБА 1

I

«Ўзбекистон — Ватаним маним!». Ўзбекистон телевидениеси 1 сентябрь куни соат 6.30 дан мамлакат Мустақиллигининг 5 йиллигига бағишланган байрам дастурларини томоша қилишга таклиф этади.

II

5.30 дан ЎзТВ I дастури такрорланади.

III

10.00 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
10.05 «Сеҳрли най». Болалар учун фильм-концерт.
10.30 «Ёр-ёр». Бадиий фильм.
11.40 — 12.10 Телетомошабинларнинг талабларига биноан концерт.

***

17.10 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.

*

Россия жамоат телевидениеси
17.20—21.20

*

21.20 Ўзбекистон спортчилари Атлантадаги XXVI Олимпиада ўйинларида.

*

Россия давлат телевидениеси
21.55—23.10

*

23.10 — 23.40 «Панорама».

IV

9.00 «Эй! Тонгингиз хайрли бўлсин!».
9.30 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
9.40 «Шукрона». Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 5 йиллигига.
9.45 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
10.15 «Учувчи шифокорлар». Телесериал.
11.00 Халқлар Дўстлиги майдонидан репортаж.
11.20 «Дипкурьер».
11.25 «Парле ву франсэ?»
11.55 Эълонлар.
12.00 Халқлар Дўстлиги майдонидан репортаж.
12.20 «Шукрона». Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 5 йиллигига.
12.25 «Жонли сайёра». Ўзбекистон қўрик-хоналари.
12.45 «Дипкурьер».
12.50 «Чирок». Шеърий саҳифа.
13.00 Халқлар Дўстлиги майдонидан репортаж.
13.20 «Эртакларнинг сеҳрли олами».
14.50 «Оқ соя». Махсус сони.
15.20 Эълонлар.
15.25 «Дунё эшиги».
15.55 Киносалон. «Водийлик келин». Бадиий фильм.

*

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Телетащириф».
19.10 «Томоша» табриги.
19.40 «Чирок». Шеърий саҳифа.
19.50 Эълонлар.
19.55 «Шукрона». Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 5 йиллигига.
20.00 «ТВ ЙДа етти кун».
20.20 «Ҳонадонингизда осойишталик бўлсин!». Махсус сони.
20.50 «Дипкурьер».
20.55 Киносалон. «Интеграл». Бадиий фильм.
22.15 «Иштирок этувчилар». Махсус сони.
22.45 «Олимпиада: дадил қадамларимиз». Видеофильм премьераси.
23.15 «Дипкурьер».
23.20 «Шукрона». Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 5 йиллигига.
23.25 Халқлар Дўстлиги майдонидан репортаж.
00.05 — 00.15 «Хайрли тун!».

(«Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз» телеадресидан олинди).